



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 16 декабр
шанба
Сотувда эркин нархда
№ 252-253-254
(2549-2550-2551)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 15 декабр куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси давом этди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов иккинчи ўқишда киритилган "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Қонун лойиҳаси муҳокама-сида Қарши давлат университетининг ректори Н.Ҳакимов, Хатирчи туманидаги А.Икромов номидаги агрофирма раиси Э.Қаҳҳоров, Косонсой тумани ҳоқими У.Маматов, республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби — "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари А.Болиев иштирок этди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари барчамиз терроризмнинг мамлакатимиз хавфсизлиги учун нечоғли катта таҳдид эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчиларига

Муҳтарам дўстлар!

Мана шу муборак кунларда сиз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати намояндаларини, барча анжуман иштирокчиларини азим пойтахтимиз Тошкентда бошланаётган Қорақалпоғистон маданияти байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Она Ўзбекистонимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти борлиги барчамизга аён.

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан мардлик, муҳаббат, она Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетақрор кўшиқ ва достонларида улуғлаб келади.

Бу халқнинг бадиий тафаккури ва юксак маънавияти "Қирққиз" каби достонлар, шу муқаддас заминда яшаб ўтган, эл-юрт озодлиги, адолат ва маърифат учун курашни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақ каби оташнафас шоирларнинг ижодиди яққол ўз ифодасини топган.

Улуғ аجدодларимиз меросидан баҳра олиб, маънаи ва руҳан юксалган қорақалпоқ халқи, айниқса, мустақиллик йилла-

рида ўзлигини тўла намойи этиб, серқирра маданиятини ҳар томонлама ривожлантираётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб келаётган қорақалпоқ шоир ва адиблари, rassom ва бастакорлари, кўплаб атоқли санъаткорлари ва ёрқин истеъдод соҳиблари бутун Ўзбекистонимизнинг гурур-ифтихорига айланган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Қадри анжуман иштирокчилари! Ишончим комилки, сизлар бу байрамга нафақат бетақрор санъатингиз намуналарини, жарагдор кўшиқларини, айни вақтда бепоён далалар, кўз илғамас яйловлар нафасини, мени ўз фарзанди деб билган қорақалпоқ халқининг юрак ҳароратини ҳам ўзингиз билан бирга олиб келгансиз.

Сизларни яна бир бор қутлар эканман, эзуликни, Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳр-оқибат каби юксак ғояларни тараннум этишда барчангизга битмас-туганмас куч-ғайрат, ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Саноқли кунлардан кейин инсоният янги мингйилликка қадам қўяди. Бугун — янги аср бўсағасида туриб, бештиёр ўзимизга ўзимиз шундай саволлар берамиз: тугаётган аср қандай кечди ва янги аср қандай бўлади? Утиб бораётган XX асрнинг сўнги ун йиллигида мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати учун бу саволлар шунчаки рамзий маънога эга

бўлмай, балки янги-янги амалий ҳаракатларга ундовчи даъват ҳамдир. Бугун биз босиб ўтган йўлимизни чуқур мушоҳада қилиб, янги асрдаги истиқболимизнинг оқилона стратегиясини белгилаб олишимиз ўта муҳимдир.

XX аср мозийга юз тутмоқда. Бу юз йиллик инсон ақл-заковати ва салоҳиятининг, илму фан, техника ва маданиятининг буюк тараққиёти баробарида аянчли воқеалар даври ҳам бўлди. Бир эмас, икки жа-

ҳон уруши, фашизм, ядро хавфи, оммавий сиёсий қатағонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари мудҳиш ҳодисалар айни XX асрда пайдо бўлди. Лекин тугаб бораётган асрнинг энг муҳими интиҳоси — "совуқ уруш" даври барҳам топди. Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз сингари қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши шарофати билан бутун дунё қиёфаси ўзгарди.

Бундан олти юз йил муқаддам

буюк соҳибқирон Амир Темура она заминимизда қудратли давлатга асос солди, унда фан, маданият юксак чўққиларга кўтарилди, миллий давлатчиликнинг янги тамойиллари қарор топди. Бу давр Ватанимиз учун туб маънодаги янги Уйғошиш даври бўлди. Орадан олти юз йил ўтгач, беҳад тарихий синовларга дош берган, мустамла-

Гаровга тикилган

«ТОҒА»,
«БОЖА»,
«ЖИЯН»...



12-бет

Нодир ўз болалари яшаётган уйнинг бутун ҳужжатларини ва 40800 сўм пулни Самаднинг кўлига тутқазаркан, икки кўзини Эшпўлатдан узмасди:

— Охири ўзингни ҳам, мени ҳам балага гирифтор қилдинг-да, жиян...

Шаҳри Дилором

Жаҳон подшолари хазинасидан
Олтин юборганда ҳамки беадал,
Дилором,
Дилором,
Жажжи сингилчам,


Сенинг ёрдамингча бўлмасди мадал.
Эркин ВОҲИДОВ.



14-15-бетлар



16-бет



Мирғоб Мурдаев лабини буриштириб, елка қисди. Жарангли овози бирдан сусайди:

— Ҳозирча «Энг истеъдодли ўлик» деган мукофотнинг йўқлигига фақат афсусланиш мумкин...



Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Терроризм кўпгина давлатларда жиддий хавфга айланиб, халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб бормоқда. Бу ёвузликка қарши самарали кураш олиб бориш учун курашнинг янги, ноанъанавий шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, Президент ушбу жиддий хавфга етарлича баҳо берилмаслиги, унга юзаки ёндашиш жиддий сиёсий хато эканлигини қайд этди. Энг муҳими, қонунларимизда терроризм нафақат бизнинг давлатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига хавф солувчи жиддий муаммо эканлиги ўз ифодасини топиши лозим. Биз миллий қонунчилигимизда, энг аввало, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунда бу муҳим муаммони ҳал этиш билан боғлиқ барча масалаларни тўлиқ акс эттиришимиз зарур.

Парламент қонунни тасдиқлади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов янги тахрирдаги "Мудофаа тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тadbиркорлик масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, "Намангангаз" бошқармаси бошлиги З.Тожибоев, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Б.Асқаров сўзга чиқди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Кочмарик "Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Сирдарё тумани ҳокими И.Эрбеков, "Ўзтемирийўлмаштаъмир" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Раматов иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси раиси И.Қаландаров "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатларга тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институти Фаргона филиали илмий ходими М.Раҳматов, Навоий тумани ҳокими

Э.Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Кочмарик депутатларни "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси билан таништирди. Мазкур ҳужжат тўғрисидаги мулоҳазаларини "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт Миллий сўғурта компанияси бош директори С.Умаров билдирди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан тасдиқланди.

Депутатлар Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тadbиркорлик масалалари кўмитаси раиси М.Умаралиевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишди.

Олий Мажлис бир қанча халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади, баъзи кўмиталар таркибига ўзгартиришлар киритди.

Депутатлар котибият раҳбари А.Саъдуллаевнинг парламент номига келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тинглашди.

Олий Мажлис ваколат муддати тугагани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларини сайлади. Суд раиси этиб қайтадан Б.Эшонев сайланди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Ҳўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси якунланди.

(ЎЗА).

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қачилик, тоталитар тузум азоб-уқубатларини бошидан кечирган халқимиз XX аср хотимасида чинакам эркинликка эришди, ўз миллий ва маданий қадриятларини тиклади, мустақил тараққиёт йўлига юз тутди. Мустақилликка эришганимиз боис мамлакатимизнинг янги тарихи бошланди.

Бугун зўр гуруҳ ва қониқши билан айта оламизки, қисқа тарихий давр ичида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари яратилди, миллий истиқлол мафқураси шакллани бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгариб бормоқда. Ҳамюртларимиз мустақил тузум асоратларидан воз кечиш, ҳаётдаги ўз ўрниларига янги назар билан қарамоқдалар. Фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриши ва янгилаш зарурлиги, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар амалиётида "Ўзбекистон модели" деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлди. Унда инсон тўғрисида, айниқса, улайиб келаётган ёш авлод ҳақида галмхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эътироф этилган. Эндиликда Ўзбекистон бутун олам учун ўз дарвозаларини очди. Ватанимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг мустақкам ўрнини топиш, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Ҳозир Ўзбекистон олдига замонавий демократик давлатни барпо этиш ва халқаро ҳамжамиятга янада фаол уйғулашидек беқийс вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида илгари сурган мамлакатни янада ривожлантиришнинг стратегик дастурига мувофиқ биз ички ва ташқи сиёсат, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ислохотларга янги илҳом баҳи этишимиз зарур бўлади. Ана шу қўлампор вазифаларни рўйбега чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ишончли ва мукаммал ҳуқуқий асосини яратмоғи зарур бўлади.

Азиз ватандошлар!

Биз, парламент аъзолари, қомил ишонч билан айта оламизки, янги аср халқимиз учун катта тарихий галабалар асри бўлади. Шу муносабат билан сизлар жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётини ислоҳ қилишда бундан буён ҳам фаол иштирок этишга чақирамиз. Давлатимиз мустақиллигини янада мустақкам-

лаш, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, Ўзбекистон Республикаси халқининг гуллаб-яшнаши учун қонунчилик жараёниши муттасил ривожлантириб бориш, парламентимиз — Олий Мажлис фаолиятини тақомиллаштириш зарур эканлиги шак-иубҳасиз. Қабул қилинган қонунларнинг амалга ошириш механизми тўла куч билан ишлаганига, Конституцияимизнинг нормалари жамият ва давлат фаолиятининг ҳақиқий асосига айланишига эришиши ўта муҳим вазифамиздир.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш бўйича бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз зарур. Ҳозирги кунда хавфсизлик масалалари яхлит бир тушунча бўлиб, барча мамлакатлар учун ҳам бирдек долзарб муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тинчлик, барқарорлик ва шиттақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, унга барҳам бериш борасидаги ҳаракатларимиз Марказий Осиё мамлакатларининг салоҳиятини уйғулаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустақкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Буюк ажодларнинг волислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдига улғу ишларни мақсад қилиб қўйишига ҳақли. Ва у беқийс анъаналаримиз ҳамда умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда ўзининг эзгу мақсадларига етишга қодир.

Ўзбекистон — Оллоҳ назар қилган диёр.

Янги аср мамлакат учун янгилашиш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқболни учун барчамиз ҳамжиҳат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Мамлакат тақдирини, сизу бизнинг тақдиримиз фақат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва ақл-идрокимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Бугун янги мингйиллик бўсағасида туриб, Ўзбекистон аҳолисига, Марказий Осиё халқлари ва сайёрамизнинг барча аҳлига тинчлик ва ривож тилаймиз. Ишончимиз қомилки, XXI аср бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлиб қолади. Шу пок ниятимизнинг рўйбега чиқишида Яратганининг ўзи бизга мададкор бўсин.

2000 йил 14 декабрда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, муҳокама давомида Олий Мажлис депутатлари билдирган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг юқори даражаси (давлат мақсадли фондларисиз) ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,5 фоиз миқдорда белгиланган ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини устувор тарзда молиялаштиришга алоҳида эъти-

бор қаратган ҳолда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик янада мустақкамланишини, фаол инвестиция сиёсати ўтказилишини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилишини таъминласин; давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 декабр.



Т. КРАВЧЕНКО ва Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Фракциялар: ТЕТАПОЯ ҚАДАМ

Газетамизнинг 14 декабр сониди депутатлар сессияда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш ниятида эканликлари ҳақида ёзган эдик. Шу боис биз икки кун давом этган Олий Мажлиснинг IV сессияси ишини ана шундай савол ва қизиқиш билан кузатдик. Лекин, аввалдан айтиш лозимки, айрим сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари, айниқса, сўнги пайтларда ўзларига нисбатан айтилаётган танқидлардан қандайдир хулосалар чиқаришганини намойиш қилишди. Бу, айниқса, Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис депутатлари фракцияси фаолиятида яққол кузатилди. Тўғри, бу фракция сон жиҳатидан сиёсий партиялар ичида иккинчи, қолаверса, энг тажрибалиси ҳам.

Ҳўш, бу фаоллик нималарга намойиш бўлди? Унинг дастлабки кўриниши шундаки, ХДП вакиллари қонун лойиҳалари юзасидан сўз олишганда «Бизнинг фракция нуктаи назарича», «фракцияда муҳокама қилинганда», «фракция номидан» каби жумлаларни кенг истифода қилишди. Бошқа партия ва блокларнинг вакилларида эса бу ҳолат нисбатан кам кузатилди. Эҳтимол, бунинг нима аҳамияти бор деб сўрарсиз. Бундай қараш сабаби қуйидагича: «Парламентда фракция ва блоклар нима мақсадда тузилади? Муҳокама чоғида улар муайян «позиция»да туриши керакми?» Лекин бундан бошқа фракция ёхуд блок вакиллари масалалар муҳокама чоғида фаол бўлишмади, деган хулосага келмаслик керак. Йўқ, улар ҳам гапирдишди: таклифларини, фикрларини баён қилишди. Лекин уларнинг чиқишларидан, аввало, қайси фракция ёхуд блокнинг вакили эканини ва уларни қайси бирининг нуктаи назарини ифода қилишганини билиш мушкулроқ кечди. Бу четдан кузатиб турган кишига «бошқа фракция ва блокларнинг умумий нуктаи назари йўқ экан-да» деган тасаввур тудирдиш мумкин.

Тўғри, айрим фракция ва блоклар ўз таклифлари ёхуд «позиция»ларини тегинли кўмиталарга ёзма равишда олдидан бериб қўядилар. Бу ҳаммага маълум. Лекин у лойиҳада қанчалик инобатга олингани ҳақида фракция ёки блок вакили сессия пайтида сўз олиб, хулосасини айтиши мумкин-ку. Қолаверса, ҳар бир масала юзасидан сўзлашни лозим топганларга сессияда хоҳлаганича имконият берилди. Назаримизда, бошқа фракция ва блокларнинг фаолиятида айнан ана шу ҳолат етишмагандай туюлди. Масалан, ХДП фракцияси вакиллари сессияда «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилаётган пайтда ўзларининг аксарият таклифлари кўмита томонидан инобатга олинмаганлиги ҳақида фикр билдиришди. Жавоб тариқасида сўз олган кўмита раиси уларнинг таклифларига батафсил изоҳ берди. Лекин бу изоҳ фракция вакиллари унчалик қониқтирмади. Лойиҳа таклиф асосида овозга қўйилди. Ва у кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Лекин ана шу жараёнда негадир бошқа фракция ва блоклар ўз муносабатларини билдирмадилар. Ахир ана шу вазиятда улар сўз олиб, ХДП фракциясининг таклифларини рад қилишлари ёки қўллаб-қувватлашлари мумкин эди-ку.

Сессия чоғида яна бир ҳолат сезилди. Яъни, ҳуқуқий соҳадаги қонун лойиҳалари негадир бошқаларига нисбатан кўпроқ баҳс-мунозара «майлони»га айланди. Бу гапни «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасидан ташқари «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал, Ҳўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал Кодексларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш», «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокамасига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ва бу табиий ҳол, деб ўйлаймиз. Чунки ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини танишига олиб келади. Бу ҳолатта ана шундай жараёнларнинг амалий ифодаси сифатида қараш керак. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида эса Ҳокимият вакиллик органлари ва Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Олий Мажлис депутатлари блоқи аъзолари анча фаол иштирок этдилар. Шу ўринда бир мулоҳаза бор эди. Айрим депутатлар сессияда сўз олишганида, токи қайси фракция ёки блокка мансубликларини билдиришмаётган эканлар, «табло» орқали буни, албатта, кўрсатиш керак, деб ўйлаймиз. Бу фракция ва блок аъзоларига ўзига хос руҳ ҳам бағишлайди.

Маълумки, сессияолди йиғилишларида кўмиталар, комиссиялар, фракция ва блокларда қизгин баҳс-мунозаралар бўлади. Лекин бу жараён кўпчилигининг назаридан четда кечади. Сессия ишини эса оммавий ахборот воситалари орқали кўпчилик батафсилроқ кузатади. Қолаверса, сессия турли нуктаи назарлар тўпланганидан, тўқнашадиган ва муносабатлашадиган йиғинлар. Бу жараён парламентимизда маданиятли ва дўстона кечса фракцияларга нисбатан мавжуд муносабатлар ҳам ўзгара, ажабмас.

Яна бир ҳолатни алоҳида таъкиллаш керак, деб ўйлаймиз. Депутатларимиз фикрларини баён қилишда қоғозга тобе бўлиб қолишдан аста-секин воз кечаяптилар. Зеро, бунинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Чунки ўз фикрини қоғозда эмас, бир неча оғиз сўз билан эмин-эркин ифодалаш ҳам сессияга ўзгача руҳ бағишлайди, ҳам вақтни тежайди.

Парламентимиздаги фракциялар айни пайтда тетапоя қадамлар ташламоқда. Лекин вақт ўтгани сайин уларнинг ана шу қадамлари собит ва қатъий бўлиши аниқ.

Бу ҳақда қанчалик фикр юритмайлик, лекин бир хулоса аниқ. Бу галги сессияда фракция ва блоклар ўзларини намойиш қилишди. Сессиянинг биринчи иш куни тугаганидан кейин унинг қатнашчиларидан бири: «Бўлар экан-ку?», деди. Менинг эса унга савол бергим келди: «Нега бўлмас экан!».

Исмаил ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 2-бетда)



алиблари, рассом ва бастакорлари, бошқа кўплаб атоқли санъаткорлари, ёрқин истеъдод соҳиблари бугун бутун Ўзбекистонимизнинг гуруҳ-ифтихориға айланган.

Тантанали кечани Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев ўқиб эшиттирди.

Ўртбошимизнинг Фармонига мувофиқ, узоқ йиллик самарали ижодий меҳнати билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқни мустақамлашга қўшаётган катта ҳис-

Оролбўйи халқи маданияти байрами

саси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қорақалпоғистонлик ижодкорлардан бир гуруҳи давлатимизнинг орден, медал ва фахрий унвонлари билан мукофотланганлигини маълум қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов сўзга чиқиб, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида қорақалпоқ маданияти кунларининг ўтказилиши мамлакатимиз халқларининг миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустақамлаш, қорақалпоқ халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг тарғиб этишга хизмат қилишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарига анжуман қатнашчиларига самимий табрик йўллаб, қорақалпоқ халқининг ижодкорлик ва бунёдкорлик салоҳиятига юқори баҳо берганлиги ва Оролбўйи ўлкаси ижодкорларидан бир гуруҳини Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги учун миннатдорлик изҳор этди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони»


А.Орипов ҳамда Қорақалпоғистон халқ шоири И.Юсупов дўст ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий қардошлиқ алоқаларини янада мустақамлашда шоиру адибларнинг ижоди катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этди, тинчлик, биродарлик ва оға-инилиқни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиёв ҳамда Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди.

Шу йилнинг 18 декабригача давом этадиган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг очилишига бағишланган тантанали маросим қорақалпоғистонлик санъат усталари ва ижодкор ёшларнинг катта концерти билан якунланди.

Ўқтам ДҮСТЁР,
ЎЗА мухбири.

Эритрея билан Эфиопия ўртасида кечган икки йиллик қуроли тўқнашув бутунлай барҳам топадиган бўлди. 12 декабр кунги Жазоирда икки мамлакат ўртасида ялпи тинчлик ҳақидаги ҳужжат имзоланди.



• Билганларимиз ҳақида билмаганларимиз

ЭРИТРЕЯ-ЭФИОПИЯ:

СУЛҲ ТУЗИЛДИ

Эритрея ва Эфиопиянинг «қурол аралашган» муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Эритреяликлар 30 йил давомида мустақиллик учун қўлга қурол олиб, аввал император Хайле Селассияга, кейин эса «Марксистлар ҳукумати» деб ном олган Менгисту Хайле Мариам бошчилигидаги ҳукуматга қарши курашди. 1991 йили Эфиопияда Хайле Мариам сиёсати инқирозга учрагач, Эритрея суверен давлатга айланди. 1993 йилнинг май ойида ўтказилган референдум натижасида Эритрея мустақил давлат, деб эълон қилинди ва бу Х.Мариам ҳукумати ўрнига келган янги раҳбарият томонидан тан олинди.

Шундан сўнг бу икки давлат мустақил мамлакатларга хос муносабат қуришга интилди. 1993 йилнинг июл ойида Эритрея ва Эфиопия президентлари бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойиллари асосида мудофаа, хавфсизлик ва ташқи сиёсат масалалари борасида ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатни имзоладди. Бироқ бу дўстона муносабатлар узоққа чўзилмади. 1997 йилнинг кузида Эритрея Эфиопия валютаси - «бир»ни муомаладан чиқариб, ўзининг миллий пул бирлиги - «накфу»дан фойдаланишга қарор қилди. Аввалига икки мамлакат ўзаро ҳисоб-китобни эркин конвертациядаги валюта билан амалга оширадиган бўлди. Лекин бунинг оқибатида Эфиопия учун Эритрея портлари - Массауа ва Асебдан АҚШ доллари ҳисобига фойдаланиш ҳаддан ташқари қимматга туша бошлади. Натижада Эфиопия ҳукумати Жибути портларидан фойдаланиш

маълумроқ, деган қарорга келди. Шу-шу ўртада турли келишмовчиликлар чиқадиган бўлиб қолди.

1998 йил 12 май кунги Эритрея Эфиопиянинг шимоли-ғарбида жойлашган Тигра вилоятидаги 400 квадрат километрлик худудни босиб олди. Бу қуроли тўқнашувларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Эритрея томони «баҳсли худуд»га кириб олганини «тарихан ўзимизга қарашли бўлган ерни қайтариб олдик, холос», деб изоҳлади. Гап-сўзлар ўз йўлига бўлди, уруш ўз йўлига. 120 мингдан зиёд одамнинг ёстиғи қуриди, бир миллионга яқин одам ватангадо бўлди.

Жаҳон ҳамжамияти можарога бефарқ қараб тура олмади. Бу урушқоқ қўшниларни яраштириш учун қўлланган чора-тадбирларнинг барчаси ҳам муваффақиятли бўлмаган эса-да, 2000 йилга келиб айрим натижаларга эришилди. Айниқса, мазкур можарони ҳал этишда воситачилик қилганлар орасида Африка бирдамлиги ташкилоти (АБТ) ва Жазоир ҳукуматининг хизмати салмоқли бўлди. Эфиопия ҳукумати Эфиопия тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида АБТ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани қабул қилди. Унга кўра, томонлар жанговар ҳаракатларни тўхтатиши, ўртадаги чегара бўйлаб эса БМТнинг тинчликни сақлаш кучлари жойлаштирилиши лозим эди.

Энг аҳамиятлиси, вазиятнинг амалий асосда ижобий томонга силжиши Эритрея ва Эфиопия ташқи ишлар вазирларининг ўзаро ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги битимни имзолаши билан бошланди. Ҳужжат АБТ

шафеълиги остида 18 июн кунги Жазоирда имзоланди.

Кейинги вазифа жанжаллашаётган мамлакатларни бутунлай яраштиришдан иборат бўлиб қолди. Бу борада ҳам АБТ ва Жазоир ҳукумати яна ташаббускорлик кўрсатди. 23-27 октябр кунлари Жазоирда икки мамлакат ўртасида ялпи тинчлик ҳақида битим тузиш масаласи бўйича музокара ўтказилди. Қатор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтган бу музокарада 12 декабр кунги сулҳ битимини имзолашга келишиб олинди.

Ниҳоят, 12 декабр кунги Эритрея президенти Исаяс Афеворк ва Эфиопия бош вазири Мелес Зенау битимга имзо чекди.

Энди навбатдаги масала можаро келиб чиқишига сабаб бўлган чегара муаммосини ҳал этиш бўлиб қолмоқда. Бу борада Эритрея-Эфиопия чегарасини қайта кўриб чиқиши лозим бўлган ҳолис комиссияси иш олиб боради. Бундан ташқари, ҳарбий асирларни алмашиш ва қочқинларни қайтариш масаласи ҳам ечимини кутиб турибди.

Лекин нима бўлганда ҳам, асосий натижага эришилгани — сайёрамиздаги оловли нуқталарнинг биттаси сўнгани қувонарлидир. Аддис-Абеба ва Асмэра ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга шошилмаётган бўлса-да, жанговар ҳаракатларни қайта бошлаш ниятидан йироқ эканини таъкидламоқда.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўyxатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 27 ноябрдан 9 декабргача бўлган маълумот)

I. Давлат рўyxатидан ўтказилди:

1. Узлуксиз таълим тизими учун яратилган янги ўқув адабиётлари ва бошқа ўқув воситаларини нашр этиш тартиби тўғрисида йўриқнома. Давлат матбуот қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Макроиктисодстат, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

2000 йил 27 ноябрда 986-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилди (2000 йил 7 декабрдан кучга киради).

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган.

2000 йил 29 ноябрда 987-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилди (2000 йил 9 декабрдан кучга киради).

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган экспорт-импорт контрактлари (шартномалар, битимлар)ни рўyxатга олиш тартиби тўғрисида низом (янги тахрир). ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.

2000 йил 2 декабрда 988-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилди (2000 йил 12 декабрдан кучга киради).

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган бартер контрактлари (шартномалар, битимлар)ни рўyxатга олиш тартиби тўғрисида низом (янги тахрир). ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.

2000 йил 2 декабрда 989-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилди (2000 йил 12 декабрдан кучга киради).

5. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ходимлар ва болаларни соғломлаштириш учун йўлланадиган ижтимоий сўғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш, сарфлаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат вазирлиги билан келишилган.

2000 йил 6 декабрда 344-1-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилди (2000 йил 16 декабрдан кучга киради).

6. Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган ва Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўзавтотранс» ДАК, «Саноатконтехназорат» агентлиги, «Ўзбектранскүрилиш» уюшмаси, Термиз дарё порти билан келишилган.

2000 йил 6 декабрда 990-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилди (2000 йил 16 декабрдан кучга киради).

II. Давлат рўyxатидан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузила-

диган экспорт контрактлари (шартномалар)ни рўyxатга олиш тартиби ва 1,2-сонли ўзгартиришлар. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган.

2000 йил 12 декабрдан чиқарилди (1998 йил 8 апрелда 421-сон, 1998 йил 11 августда 421-1-сон, 1999 йил 22 июлда 421-2-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилган).

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида импорт контрактларини рўyxатга олиш тартиби ва 1,2,3-сонли ўзгартиришлар. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган.

2000 йил 12 декабрдан чиқарилди (1998 йил 8 апрелда 424-сон, 1998 йил 11 августда 424-1-сон, 1999 йил 5 февралда 424-2-сон, 1999 йил 22 июлда 424-3-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бартер контрактларини рўyxатга олиш тартиби. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган.

2000 йил 12 декабрдан чиқарилди (1996 йил 29 январда 221-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилган).

Мазкур меъёрий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.

III. Давлат рўyxатидан ўтказиш рад этилди:

1. Тижорат банклари томонидан акция ва облигацияларни чиқариш ҳамда рўyxатга олиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

2. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олиш учун тўловлар тартиби. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этилган.

3. Чекланган доирада тарқатиладиган махфий бўлмаган маълумотлари бўлган иш ҳужжатлари ва наشرларнинг ҳисоби, муомалада бўлиши ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбошархив томонидан тақдим этилган.

4. Тошкент шаҳар архитектура ва шаҳарсозлик истиқболи бўйича Кенгаш тўғрисида низом. Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамасининг меъморчилик ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси томонидан тақдим этилган.

5. 1-шаклдаги (кичик бизнес) - чораклик «Микрофирма ва кичик корхона ҳисоботи» давлат статистика ҳисоботини тузиш бўйича қўрсатмалар. ЎзР Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.

6. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуриладиган объектларни молиялаш учун бюрократиянинг ички захираларини сафарбар қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

7. Иқтисоднинг ноишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш тармоғида банд бўлган (темир йўл транспорти ва метрополитендан ташқари) вақтбай ишловчи алоҳида касблар ишчилари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядларни белгилаш тўғрисида қарор. ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.

8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари (шаркатлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари)га ажратилаётган ёқилги-

мойлаш материаллари миқдорини етказиш тартиби (механизми) тўғрисида низом. ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.

9. Машина-трактор парклари томонидан бажариладиган механизациялаштирилган ишлар (хизматлар) баҳосини белгилаш тартиби. ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.

10. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари (шаркатлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари)га ажратилаётган минерал ўғитлар ва ўсимликлар ҳимояси кимёвий воситалари миқдорини етказиш тартиби (механизми) тўғрисида низом. ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўyxатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг ҳулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўyxатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Тижорат банкларининг ипотека облигацияларини чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва сўндириш тўғрисида низом. ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

2. Товар бозорлари чегарасини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.

3. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

4. Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар (янги тахрирда). ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

5. Банкрот корхонанинг тугатиш ишларини амалга ошириш тўғрисида низом (янги тахрирда). ЎзР Макроиктисодстат вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тақдим этилган.

Кучини йўқотган деб эътироф этилган меъёрий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг автотранспорт фаолиятини лицензиялаш тўғрисида вақтинчалик низом. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикаси аҳолисига компенсация тўлашининг вақтинча тартиби. ЎзР Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси томонидан тасдиқланган.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлиги тақдимномалари асосида давлат рўyxатидан ўтмаган ҳужжат сифатида ижродан чақириб олинди ва кучини йўқотган деб эътироф этилди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўyxатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.
Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли қарорига мувофиқ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ИЖРОЧИ ДИРЕКЦИЯСИ

2001 йил 1 январдан бошлаб тугатилади.

ОКПО коди 15142846

Даъволар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида куйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 12-уй.

Табнат бойлиги

Халқимиз соғлиғи.

АПКАЛ-Г
(глюконат кальций 500 мг)

КАЛЬЦИЙ ГЛЮКОНАТ ҲАМИША СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ

ОГРИК

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

АПАЛЬГИН
(500 мг аналгин) огрикқа қарши куч.

Азиз ҚАЮМОВ

Мафтункор ижод

соҳибби



Бир маҳал қозоқ адабиётшуноси, Қозоғистон ФА мухбир аъзоси, марҳум дўстим Исҳоқ Тақимович Дюсумбоев билан Олмаота шаҳрида илмий кенгаш вақтида учрашган эдик. Мен у кишига Навоийнинг «Садди Искандарий» достони тўғрисидаги китобимни тақдим этдим. Қозоқ олими бу китобни варақлаб кўрар экан, ўйчанлик ва ҳавас билан деди:

— Ўзбек халқи қандай бахтли халқ-а! Унинг Навоийдек буюк шоири, мутафаккири бор. Навоий ижоди битмас-туганмас бир ҳазинаки, ундан қанча олсанг, шунча кўпаяди, бойийди, аммо ҳеч қачон камаймайди.

Навоийга оид таъриф ва тавсифларни кўп эшитганмиз. Аммо дўстимнинг бу қалб сўзлари ўзининг самимияти ва ҳаяжонли ифодаси туфайли ёдимда қолган.

Навоий элу юрт учун яшади, курашди, ижод қилди. Ўзининг буюк талантини энг олижаноб мақсадга — элу юрт хизматига бағишлади. Шунинг учун ҳам у элнинг юрагидан жой олди.

*Нафинг агар халққа бешакдурур
Балки, бу нафъ ўзинга кўпракдурур.*

Маъноси:
*Агар элга шак-шубҳасиз
фойда етказган бўлсанг,
Билиб қўйки, энг кўп
фойдани ўзинг кўрасан.*

Чунки элу юртга фойда етказган одам элнинг хурмати, муҳаббатига сазовор бўлади. Инсонга бундан ортиқ шараф борми?!

Мумтоз ижодкорларда инсонпарварлик ғояларининг ташвиқи ҳамisha бош ўрин эгаллаб келган. XIII асрда Шайх Саъдий ёзган:

*Агар аз ғами дигарон беғамий
Нашояндки номат ниҳанд одаме.*

Бу мисраларни XIX асрда хоразмлик атоқли ўзбек шоири, таржимони ва тарихчиси Муҳаммад Ризо Огаҳий форс тилидан ўзбек тилига бундай таржима қилган:

*Ўзганинг дардидан эсанг беғам,
Лойиқ эрмас сени демак одам.*

XV асрда шу фикрнинг бадий ифодасини Алишер Навоий қуйидаги ўлмас сатрларда баён этган эди:

*Одаме эрсанг, демагил одаме
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами!*

Маъноси: Агар сен одам эсанг, халқнинг ғамини емайдиған кишини одам деб ҳисоблама.

Демак, элу юрт, халққа ғамхўрлик қилиш, унинг оғирини енгил этмоқ, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлмоқ чин одамийлик белгиси эканлигини устозлар ҳар доим уқтириб келганлар.

Жомий ва Навоий ўзларининг «Арбаин» («Қирқ тўртлик») асарларида Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан қирқтасини танлаб олиб, уларнинг мазмунини шеър билан баён этганлар. Жомий форс-тожик тилида, Навоий эса ўзбек тилида ёзган.

Навоий мўминларнинг қандай сифатларга эга бўлмоғи кераклиги тўғрисида бундай деб ёзади:

*Кимки, мўминдурур қачон чидагай,
Ким ўзи тўку кўшни бўлгай оч.
Анга доғи керак етурса насиб
Хомида гар кулочу хоҳи умач.*

Маъноси: Имомли одам (мўмин) агар ўзи тўқ бўлсаю, кўшниси оч бўлса, бунга қандай қилиб чидамоғи мумкин. У (яъни мўмин) ўз дастурхонидан нимаики бўлса, хоҳ ширин кулча, хоҳ умоч (хамир бўлаклари солиб пиширилган

суяқ ош) бўлсин, ўша кўшнисига насиба етказмоғи керак.

Навоий асарларида шахснинг камолоти тўғрисидаги бундай йўл-йўриқлар кўплаб учрайди. Шу билан бирга, мутафаккир шоир жамиятнинг камол топишига оид фикрларни ҳам жўшқинлик билан ифода этади.

Жамият ҳаётини уюштиришдаги асосий мезонлардан бири адолатдир. Агар жамиятда адолат ҳукмрон бўлса, у барқарор ва кучли бўлади.

*Аدل айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.*

Маъноси:
*Адолат билан иш тутгил,
халқнинг ҳаёти шу биландир.
Адли ўзига сифат қилган киши
яхши кишидир.*

Мамлакат ҳаётининг барча томонлари

ادل билан боғлиқ,

*Адолат туфайли давлат,
мамлакат мустаҳкам бўлади.*

Шу муносабат билан Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асаридagi бир ҳикояни келтирмоқ ўринли кўринади.

Султон Хусайн Бойқаро қазақийлик йиларида (яъни Хуросон ҳокимиятини эгаллаш учун курашлар олиб бораётган вақтда) бир кампирнинг ўғли ҳалок бўлган экан. Султон Хусайн Хуросонда ўз ҳокимиятини ўрнатиб тахтга ўлтирганидан сўнг ўша кампир шоҳ ҳузурига келиб, шоҳдан ўғлининг хунини талаб қилган. Шариат қозилари бу талабни кўриб чиқиб ё қасос, ё дият деб ҳукм чиқарганлар. Яъни ё қасос учун шоҳнинг боши кесилмоғи керак. Ёки, агар даъвогар рози бўлса, ўғлининг хун баҳосини унга тўламоқ лозим.

Бу воқеа тўғрисида сўзлар экан, Навоий ёзади:

*Шаҳ деди: «Шаръ этса бу янглиғ адо
Шаръи наби ҳукмига жоним фидо».*

*Ёғлиг ила боғлади бўйини рост,
Юз ҳамёнининг доғи бўйини суст,
Тиг бериб золға бевахму бийм,
Бир сори доғи тўқубон ганжу сийм.
Деди: «Қасос айласанг, олингда бош,
Сиймни ол, гар гарзингдур маош...»*

Маъноси: Шоҳ дедими, агар шариат шундай ҳукм қилса, пайғамбар шариатига жонимни фидо қиламан. У шартга бўйинга рўмол боғлади, яна юз ҳамёнининг тугунларини ечиб қўйди. Ҳеч кўрқмасдан, ваҳимага тушмай кампирнинг қўлига тигни берди. Бир томонга эса қумуш тангаларни уйиб ташлади. Сўнг шоҳ кампирга деди: Агар қасос оламан десанг, мана, олдингда менинг бошим, уни кесиб ташла. Агар хун ҳақини олмоқ истасанг, ана қумуш тангалар, уларни ол.

Кампир подшоҳнинг бундай адолатпарварлигидан ҳаяжонга тушиб, шоҳнинг оёғига бош қўйди ва ундан узр сўради. У дедими, агар ўғлим сен учун ўзини фидо этган экан, менинг қари жоним ҳам сенга қурбон бўлсин. У ўзининг шоҳга бўлган даъвосидан воз кечди. Кампирни зарга кўмиб юбордилар. Одамлар уни «Золи зар» — «Олтин кампир» деб атайдиган бўлдилар.

Бу ҳикоядан хулоса қилиб Навоий ёзади:

Шаҳ чу қилур адл, Навоий не ғам.

Маъноси: Бу кекса фалақдан қанча аламлар кўрсанг ҳам, агар шоҳ адолатли бўлса, Навоий, нега ғам чекмоқ керак.

Навоий адолат билан иш тутмоқ ҳар қандай чигалликларни ечмоғини шу ҳикоя орқали кўрсатган.

Навоий эл кўнглини шод этмоқни, мамлакатнинг обод бўлмоғини ҳамisha тилар, бу мақсад йўлида қандай ишларни амалга оширмоқ лозимлигини бирма-бир кўрсатиб берар эди.

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барфатод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Маъноси:
*То очкўзлик, беҳуда интилишлар
хирмони шамолга совурилмагунча,
То ўзини кўзлаш, манманлик
қасрлари бузиб ташланмагунча,
То зулму ситамга зарба етмагунча,
Эл шод бўлмайди,
мамлакат обод бўлмайди.*

Навоий ижодида инсон ва жамият ҳаётининг барча томонлари ўз бадий тасвирини топган. Келтирилган бир-икки чизгилар шундан далолат бериб турибди.

Шунинг учун ҳам Навоийнинг ижод хазинасига, ундаги бебаҳо маънавий бойликларга ҳамма маъниё.

Навоий шеър ва бадий ижоднинг куч-қудратини билар ва уни баланд кўяр эди. У фахрия усули билан бундай деб ёзган.

*Киритдим тахти фармонимга осон,
Черик тортмай Хитодин то Хуросон.
Қаю ҳар элга ким фармон юбордим,
Анинг фатҳига бир девон юбордим.*

Маъноси: Кўшин тортмасдан, осонликча Хитодан то Хуросонгача бўлган ерларни ўзимга бўйсундирдим. Қайси бир ўлкани тобеъ этмоққа фармон юбормоқчи бўлсам, у ерларни эгалламоқ учун шеърини тўпламларим (девон)ни юбордим.

Инсон қалбининг энг нозик торларига таъсир этувчи дилрабо мисралар, кишилар кўнглидаги нафосатли ҳис-туйғуларни юксак бадийят билан тараннум этувчи Навоий шеърини қай ерга етса, унда эзулик, инсонийлик, хайр гуллари унади. Шунинг учун ҳам бу шеъринг ўзининг фусункор гўзаллиги билан асрлар давомида авлодлар қалбини мафтун этиб яшамоқда.

Дуадимен дунемин

Эй одам фарзандларин, мен сизларнинг ҳусну сувратларининг ва мол-дунёларининг божмасман, балки дилларининг ва қилган амалларининг божурман.

Эй одам фарзанди, сен ҳузурингга келган менинг меҳмонларимни сийла, мен ҳам ҳузурингга келган сенинг меҳмонларининг (яъни, сенга қарашли кишилар вафот этиб келганда) сийлайман.

Эй одам фарзанди, албатта ризқ ҳаммага тақсим қилиб ва ажал ўлчаб қўйилгандир. Қасал бўлган одам дунё лаззати ва неъматларидан маҳрумдир.

Бахиллик ҳамма жойда ёмонлангандир ва дунё неъматлари чексиз эмасдир. Ризқ излаб жуда узоқ кетмоқ захарлидир ва ризқ бергувчи доим тирик ва қонимдир.

DUSHANBA 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома»...

18.50 «Бахтли воқеа» 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги»...

15.15 «Одил сўз» 15.30 «Шалаш оиласи»...

«Тошкент» телеканали

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.05 «Пойтахт»...

таси. 22.00 «Эҳтиром ила» 22.20 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар»...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00 15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ...

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Мультичархпалак»...

21.40 «Бизнес-ревью» 21.50 «Муҳаббат тарихи»...

30-канал

Соат 18.00 га қадар профилактика. 18.00 Дастурнинг очилиши...

РЖТ

6.00 «Хайрли тонги!» 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.45 - Янгилликлар...

РДТ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 - «Вести»...

ТВ-6

8.00, 9.00, 15.00 - «Кундан-кунга» 8.45, 20.40, 00.35, 02.35 - «Йул назорати»...

13.30 «Муҳаббат ҳақида» 14.05 «Ҳафта моҳоралари»...

НТВ

7.00, 8.00 - «Бугун эрта-лаб» 8.45 «Миллий хавфсизлик агентлиги»...

SESHANBA 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

22.40 «Бир жуфт кўшиқ» 22.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури...

«Тошкент» телеканали

7.30 «Пойтахт» Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс» телегазетаси...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00 15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ...

16.25 «Клип-антракт» 16.30 «Вести»...

18.15 «Кусто командасининг барча сайҳатлари» Сериал...

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 21.00 «Время»...

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «Телехамкор»...

РЖТ

6.00 «Хайрли тонги!» 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.05 - Янгилликлар...

18.35 «ИКС туридаги одамлар» 19.00 «Шаддодлар ва гўзаллар»...

21.30 «30-канал» киноқошмои. «Мен инглиз тилида сўзлашмайман»...

РДТ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 - «Вести»...

катталар» 16.30 Мультсериал. 18.15 «Кусто командасининг барча сайҳатлари»...

РДТ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 - «Вести»...

00.40 «Эркак ва аёл» Виталий Сундаков.

ТВ-6

8.00, 9.00, 15.00 - «Кундан-кунга» 8.45, 20.40, 00.35 - «Йул назорати»...

НТВ

7.00, 8.00 - «Бугун эрта-лаб» 8.45, 21.50 - «Чироқлари синган кўчалар»...



Рассом Абдурасул ҲАКИМОВ.

SHORSHANBA 20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

19.05 «Эл тинчлиги йўлида» 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида)...

«Ёшлар» телеканал

«СОҒЛОМ АВЛОД - ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАҒИ» ТЕЛЕМАРАФОНИ 8.50 Қўрсатувлар дастури 8.55 «Соғлом авлод - Ўзбекистон келажаги»...

кељагаги». Видеоклип. 13.55 «Қўёши болмайдиған юрт». Видеофильм. 2-қисм. 14.50 «Соғлом авлод» телемарафони хабарлари...

«Тошкент» телеканал

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс» телегазетаси. 8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар»...

17.55 Қўрсатувлар тартиби. 18.00, 20.00, 23.30 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.25 ТТВда сериал: «Қора дур донлар»...

«Жалқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00 15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ 16.00 Қўрсатувлар тартиби. 16.05 «Мультичарпалак»...

23.05 «Дурдаршан». 23.25 Кинематограф. «Анна ва Сиам кироли». Бадий фильм.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «Телехамкор». Фойдали газета. Метеохабар.

РДТ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 — «Вести». 6.15, 6.30, 8.40 — «Хайрли тонг, Россия»...

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.35 — Янгилıklar. 9.20, 16.55 — «Бобил минораси»...

тор Лоосев» детективда. 1-серия. 14.30 «Биргаликда» дастури. 15.20 «Чангалзорлар даъвати»...

РДТ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 — «Вести». 6.15, 6.30, 8.40 — «Хайрли тонг, Россия»...

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.35 — Янгилıklar. 9.20, 16.55 — «Бобил минораси»...

ТВ-6

17.00, 00.50 — Янгилıklar. 17.15, 18.40 — «Харидингиз учун ташаккур» теледўжони.

НТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эрталаб». 8.45, 21.50 — «Чироқлари синган кўчалар»...

SHANBA 21

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

21.40 «Олам қўшиққа тўлсин». Концерт. 22.10 «Шарқдан нур». Камолитдин Бегзод...

«Ёшлар» телеканал

8.55 Қўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Кўнжук уршув»...

Интерфутбол. 1.10-1.15 «Хайрли тун».

«Тошкент» телеканал

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури. 7.55 «Экспресс» телегазетаси. 8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар»...

«Жалқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00 15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ 16.00 Қўрсатувлар тартиби. 16.05 «Мультичарпалак»...

давлат одамлар». 00.00 Оханлар ва эълонлар. 00.05 Кинонигоҳ. «Ўзга сайёраликлар»...

«Жалқаро» телеканал

18.45 «ТВ-4 да немис тўлкини». 18.55 «Инсон ва қонун». 19.40 «Тақдир измидаги ўқ». Бадий фильм.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «Телехамкор». Фойдали газета. Метеохабар.

18.55 А. Гордон ва В. Соловьев «Жараён» дастурида. 19.40 «Мэри хоним». Бадий фильм.

30-канал

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 21.00 «Время». 21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.

РДТ

6.00 «Хайрли тонг!». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 — Янгилıklar. 9.20, 16.55 — «Бобил минораси»...

12.00 «Телехамкор». Фойдали газета. 18.00 Дастурнинг очилиши.

РДТ

6.00 «Хайрли тонг!». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 — Янгилıklar. 9.20, 16.55 — «Бобил минораси»...

РДТ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 — «Вести». 6.15, 6.30, 8.40 — «Хайрли тонг, Россия»...

13.00 Кундузги экран. «Эски квартира». 14.30 «Венера кўзгусида»...

ТВ-6

8.00, 9.00, 15.00 — «Кундан-кунга». 8.45, 20.35, 00.40 — «Йул назорати»...

НТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эрталаб». 8.45, 21.50 — «Чироқлари синган кўчалар»...

Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори АСПАЛЬГИН Бу дори кучли оғриқни босади. ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Абботот»... 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газеталар шарҳи...

21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон» Мусикий дастур. 21.40 Рамазон тўғриси. «Эиб» студияси...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Қўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Абботот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси...

18.10 «Автосалтанат». 18.25 «Асар мактублари». 18.45 «Оқшом наволари»...

«Тошкент» телеканали

7.30 «Пойтахт». Абботот дастури. 7.55 «Экспресс» телегазетаси. 8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар»...

23.55 Кинонигоҳ. «Ўз ҳисобидан таътил». 1-қўям. 1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00 * 15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИСИ * 16.00 Қўрсатувлар тартиби...

12.00 «Телехамкор». Фойдали газетаси. 18.00 Дастурнинг очилиши. 18.05 «Телехамкор». Фойдали газетаси...

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 24.00 - Янгиликлар. 9.20, 16.55 - «Бобил миносари»...

РДТ 6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 - «Вести»...

РДТ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00 - «Вести»...

14.30 «Сурокларско». 16.30 «Петерс поп-шоу». 17.15, 18.40 - «Харидингиз учун ташаккур» теледидиони...

НТВ

7.00, 8.00 - «Бугун эртага». 8.45 «Нироқлари синган кўчалар»...

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Абботот»... 8.35 Газеталар шарҳи. 8.50 Янградин шўх яллалар...

Теннис. 16.40 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал. 17.00 Қўрсатувлар дастури...

«Тошкент» телеканали

9.00 «Тонги пойтахт». 9.50 «Омад» тележурнали. 10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

18.15 Н.Гундарева «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида...

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «Телехамкор». Фойдали газетаси. 9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури...

сериал. 10.30 «Тунда ҳижоқ қўлинган эртақ» (Россия). Болалар учун эртақ. 12.00 «Телехамкор»...

РЖТ

7.55, 10.00, 15.00, 18.00 - Янгиликлар. 8.15 «Альфинг Рождество» саргузаштлари...

11.10 Кундузги киносеанс. «Озодлик туфайли тутилганлар». Афсонавий фильм...

РДТ

7.30 «Балқ оқи ҳақида мулоқотлар». 7.55 Ура, таътилла! Мультифильмлар...

14.20 В. Серова, Л. Целиковская ва Е. Самойлов «Турлар қалби» комедиясида...

РДТ

7.30 «Балқ оқи ҳақида мулоқотлар». 7.55 Ура, таътилла! Мультифильмлар...

14.20 В. Серова, Л. Целиковская ва Е. Самойлов «Турлар қалби» комедиясида...

НТВ

8.45 ТВ-6 кинотеатри. «Кийик ортидан қувиб». 10.25, 20.45, 02.40 - «Йўл назорати»...

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ Сиз азияларни 2001 йил 17, 24 январ кунлари соат 11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига тақлиф этади.

YAKSHANBA 24

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Айборот».

8.35 «Камалак». Болалар умун кино-дастур.
9.05 «Ойлашган оқинлар». Концерт.
9.30 «Ғаройибот».

«Умид» намоиш этади:
9.45 «Умид» айбороти.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 «Яши ният».
11.35 2000 йил - Соғлом авлод йили.
«Оналар мактаби».

11.55, 12.20 ТВ-метро
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.25 «Мозийдан бир мўъжиза».

12.40 «Ораулар камалаги». Бадийий фильм.
13.45 «Туйфа». Мусикий дастур.

14.05 «Кувноқ шаҳарча». Телемусо-бада.
14.30 «Имрониятлар маскани».

14.45 «Спорт-мик-энд».
15.00 «Қалб гавдари».

15.15 «Кайнон». Бадийий фильм.
16.25 «Наво таралин». Мусикий дастур.

16.40 «Рамазон ойингиз муборак»
17.05 «Улмас мерос». О. Хўжаев.
17.30 «Эуриша». Ҳажвий киножур-нал.

17.50 ТВ-энос.

18.00 «Олтин тоқ». Телевизион ўйини.

18.25 «Ҳайт карвони».

18.45 Мушра бекати.
18.55 «Ўзлик». Бадийий-публицистик кўрсатув.

19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Туртинни хромият». Тахлилий кўрсатув.

20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яшанба оқшомида». Мусикий дам олиш дастури.

21.45 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.55 «Олам футбол».

23.25 ТВ-энос.
«Аср мўъжизаси» кинодастур-и:

23.40 Кино анигиликлари.
23.55 «Сародат». Бадийий фильм. 2-кўчм.

1.25-1.30 Ватан тинчликлари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».

9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ ка-бул», «Муълтомоша».

9.35 «Футбол плюс»
9.55, 17.10 «Мусикий лаҳзалар».

10.00 Болалар экран. «Қушча».
11.10 «Ёшлар овози».

11.30 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ва-танлараворлик дастури: 1. «Марду майдон», 2. «Асар мактублари».

12.10 «Гал бор».
12.30 «Қўшиқ болмайдиған юрт». Ви-деофильм. 6-кўчм.

13.30 Виллоят ёш хонандалари куй-лайди.
13.50 «Қушқоқдаги тенгдошим».

14.10 «Дастлат».
14.30 «Ғойибдан келган одам». Бе-

дийий фильм.
16.00 «Бир пилла чай устида».
16.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Лонесс кўлидаги кашфи-ёт».

17.20 «Тафаккур ёлқинлари».
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» почтаси, «Муъл-томоша».

18.25 «Очун».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Йўлим».

19.00 «Давр-пемс».
19.15 «Кўна оқинлар». Уктам Аме-дов.

19.30 «Яшанбада кўришунча».
19.45, 20.50, 22.40 Эълонлар
19.50 «Қўёши болмайдиған юрт». Ви-деофильм. 7-кўчм.

20.55 «Маслаҳат».
21.40 «Ёшлар куйлайди».

22.00 «Давр». Ҳафта ичиде.
22.45 «Ёшлар» телеканалда премье-ра: «Инспекторлар». Бадийий фильм.

1.15-1.20 «Хайрли тун».

«Тошкент» телеканали

9.00 «Тонги пойтахт».
9.50 «Омад» тележурнали.
10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барба-ра».

10.50 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Спорт оламида».

11.10 «Сиз соғинган наволар». Б. Йўрдошев.

11.30 «Экспресс» телегазетаси.
11.45 «Турким ҳақида».

12.15 «Мусикийлаштириш: қадам-ба-қадам».

12.35 «Телефакт».
12.55 «Сайёрамиз бўйлаб». 61-кўчм.
13.20-13.40 «Ойлашган марраси».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақида ва сен учун».

18.35 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
18.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, кутлай-миз».

20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
21.10 ТТВда сериал: «Санта-Барба-ра».

21.50 «Омад» тележурнали.
22.10 «Экспресс ила».

22.30 ТТВда сериал: «Санта-Барба-ра».

23.10 Оқинлар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ, «Такси».

00.35-00.40 «Хайрли тун, шахрим!».

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Тонг» дастури.

10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилган кўйдлар».

10.40 «Гарле ву Франс?»
11.00 «Ўзбекистон анигиликлари» (ин-глиз тилида)

11.10 Кундузги сеанс: «Эркинликда яшовчилар». Афсонавий фильм.
12.55 «Тонги почта».

13.35 «Фан-тайм» (Болалар умун ин-глиз тили)

13.45-14.50 «Дўстлик» видеоканали:
«Рангинкамон», «Дидар», «Машриқ оқинлари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Тенгдошлар».

18.20 «Эксклюзив».

18.40 «Олтин граммофон» мукофоти-нинг йиллик топширилиш тантанаси.

22.30 «Бизнес-ревью».
22.40 «7 дан 70 гача».

23.10 Кинематограф. Кевин Костнер «Соврин» фильмида.

1.10 «Тахлилнома» (рус тилида)
1.40 «Тунингиз оуда бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телехамкор». Фойдали газета.

Метеохабар.
9.30 Болалар канали.

10.00 «Қалдиқроқ тошлар». Ёшлар умун сериал.

10.30 Болалар умун фильм. «Қулқос-лар байрами».

12.00 «Телехамкор». Фойдали газе-та.

12.30 Оилавий кино. «Инспектор Тад-жет». Комедия.

14.15 «Шоид». Ҳужжатли фильм.
14.45 «Сиквест». Фантастик сериал.

15.30 Хинд киноси. «Мени ютишга ҳаракат қилма». Мелодрама (Ҳинди-стон).

18.05 «Телехамкор». Фойдали газе-та.

18.30 «Ўзингиз кўрсат». Дам олиш дастури.

19.00 Детектив соати.
19.50 «Ошқирна». Мусикий дастур.

19.55 «Телехамкор». Фойдали газе-та.

20.25 «Клип-сова». Телетабринома.
21.20 «Жезан» гўзаллик салони на-моиш этади.

21.25 Метеохабар.
21.30 «30-канал»да яшанба киноқо-шиси. «Қолдирилган юк». Драма (АҚШ).

23.15 «Европа футбол».

Спорт дасту-ри.
24.00 «Кино, кино, кино».

00.30 Кўрсатувлар дастури.

7.40 «Рухний сўз». Митрополит Ки-рилл.
7.55, 10.00, 15.00, 18.00 - Янглик-лар.

8.10 «Россияга хизмат қиламан».
8.40, 16.40 - «Дисней клуб».

9.05 «Тонг юлдузи».
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзил-маган кайдлар».

10.35 «Хамма уйдалигида».
11.10 Кундузги киносеанс. Афсона «Озод бўлиб яшайтганлар» фильмида давом этади.

12.55 «Тонги почта».
13.35 «Сайёатчилар клуби».

14.15 «Эх, Семеновна!». Бутунроссия лапарлар танлови.

15.10 «Хитой мишраби». Сериал.
16.10 «Оқиллар ва ақллар».

16.05 «Аралаш-қуралаш» журналида-ги кувноқ воқеалар.

17.15 «Кумушранг шар». Сталин ки-нода - Михаил Геловани. Кўрсатуви В. Вульф олиб боради.

18.15 «Африкалик руслар». Махсус репортаж.
18.40 Ҳар йилги «Олтин граммофон» халқ мукофотининг топширилиш ма-росими.

22.30 «Фаслар».

23.45 «Независимая газета» - 10 ёшда. Байрам кечеси.

РДТ

7.30, 9.00 Ура, таътилар!
Мультфильмлар.

7.45 Ура, таътилар! «6 айқ ва мас-харабоз Цибулка». Болалар умун фильм (Чехия).

9.05 «РДТ почтаси».

9.35 «Хайрли тонг, юртим!».

10.15 «Аншлаг» ва Ко.

11.15 «Шаҳарча».

11.45 «Рус лотоси».

12.25 «Федерация».

13.05 «Парламент соати».

14.00 «Вести».

14.20 «Жонворлар ҳақида мулоқот-лар».

15.20 «Ер сайёраси».

16.25 «Изи рояль».

17.25 «Ўз-Ўзига режиссёр».

17.45 Премьера. «Турк марши». Се-риал.

20.00 Николай Сванидзеининг «Кўгу» дастури.

21.20 А. Иншаков, В. Сотникова, Н. Еременко ва В. Павлов «Рицарлик муқаббати» саргушт фильмида. 1 ва 2-фильмлар.

00.20 «Тодес» шоу-балети.

ТВ-6

8.45 «Қарғиш теккан шаҳарчадан қандай қилиб қриш». Комедия.

10.20, 15.20, 20.30 - «Йўл назорати».

10.35 «Star» тарти.

11.05 «FASHION».

11.45 «Бенни Хилл шуси».

12.45 «Интернет» - «Гармок» дасту-ри.

13.15 «Харидингиз умун ташаккур!» теледўхони.

13.30 «Мен ҳаммасини биламан».

Интеллект шоу.

14.30 «Хамма боққа».

14.55 «Канон».

15.40 «XX асрнинг энг шов-шувли жи-ноятлари». Сериал.

16.45 «Амба-ТВ».

17.15 «Саломатлик формуласи» те-ледўхони.

17.25 «Сиз-шодисиз».

18.20 «Яна 33 квадрат метр». Ҳажвий сериал.

19.35 «Ҳафта ҳалокатлари».

20.45 «Сизнинг мусика». Феликс Ца-рикти.

21.40 ТВ-6 кинотеатри. «Янги йил во-қраси». Комедия.

23.35 Премьера. ТВ-6 кинотеатри. Жиллиан Андерсон, Жон Кьюсак «Жа-ханнам тақсиси» фильмида.

01.30 «Х-фактор».

02.00 «Диск-канал».

МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ЯНГИ АСРДА ХАЛҚ БАНКИНИНГ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ:

- товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар;
- ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини банк муассасалари орқали тўлаш;
- жисмоний ва юридик шахсларга кредит бериш;
- аҳолига коммунал, газ ва электр энергияси учун тўловлар қабул қилиш;

- қимматликларни сақлаш бўйича сейфларни ижарага бериш;
- қимматбаҳо қоғозлар билан муомалаларни амалга ошириш;
- юридик шахсларга депозитар хизматлар кўрсатиш;
- валюта муомалалари, хорижий валюталарни четга олиб чиқиш учун рухсатномалар бериш;
- омонатларнинг ўндан ортиқ турлари;

Ўз жамғармангизни Халқ банкида сақлаб, Сиз катта миқдордаги даромадлар ва пул ютуқлар соҳиби бўласиз

Сиз Халқ банкининг «ОМАД» ёки «ЖАМФАРМА» пул-ютуқли омонатларига маблағларингизни қўйиб, бир йилда икки марта ўтказиладиган ютуқлар тиражи якунига кўра, катта миқдордаги даромадлар ва пул ютуқлари соҳиблари бўлиш имкониятларига эга бўласиз.

Халқ банки олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаси бўлишни хоҳлаганлар учун «Абитуриент» мақсадли омонатини таклиф этади:

Бизга аъзо бўлиб, республикамизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олиш учун тўланадиган маблағни банк кредити ҳисобидан тўлашингиз мумкин

Халқ банкининг янги «Абитуриент» мақсадли омонати — ўрта махсус ва олий маълумот олиш учун ишончли таянчдир!

Шахсий уй-жойга эга бўлишни истайсизми?

Халқ банки мижозлари учун — бу истак эмас, балки ҳақиқат. Халқ банки Сизнинг истагингизни амалга оширишда яқиндан ёрдам бериб, уй-жой қуриш учун ўн йил муддатгача кредит беради.

Халқ банки кредити — бу Сизнинг бугунги орзуингиз рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

Халқ банкининг янги йил совғаси!

Янги аср бошида Халқ банкининг «Совға» лаҳзали пул-ютуқли лотереясини харид қилиб, Сиз дастлабки ўн йил давомида ҳар ойда ўз жамғармангизни 10000 сўмдан бойитишингиз ёки янги асрнинг биринчи йилидаёқ шахсий автомобилга, шунингдек, 3000000 сўмлик пул ютуқларига эга бўлишингиз мумкин.

Ўз омадингизни синаб кўринг!

**МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИНГ
САҚЛАНИШИ ФАҚАТ
ХАЛҚ БАНКИ
МУАССАСАЛАРИДАГИНА
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГАНИ
ВА КАФОЛАТЛАНГАНЛИГИНИ
УНУТМАНГ.**



Халқ банки янги мингйилликда ҳам Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлиб қолади!

Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА
 ЎЗБЕКИСТОН
 ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
 МИЛЛИЙ БАНКИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА
 НОЁБ ИМКОНИАТНИ —
 ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ БЎЛГАН

СЎМ ПЛАСТИК
 КАРТОЧКАСИНИ

БЕПУЛ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ҳисобварағи қаерда очилганидан қатъи назар,
 сўм карточкаси ёрдамида бизнинг исталган
 муассасамизда банкоматдан ҳам,
 кассадан ҳам нақд пул олишингиз мумкин.

«Шарқ-Мир», «Тижорат» супермаркетларида ва Нукус
 аэропортида ҳам банкоматлар ўрнатилган.

Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар,
 маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компанияларида,
 авиа ва темир йўл кассаларида сўм карточкалари
 товарлар ва хизмат ҳақини тўлаш учун қабул қилинади;



сўм карточкаларининг эгаларига
 ҳаёти ва соғлиғини бепул суғурталаш имкони берилади;

карточка эгаларига йилига 36% фойда
 тўланадиган омонат очилади,
 ҳар ойда капиталлаштириш эвазига эса
 пулларингиз йилига 42,6% кўпаяди.

Айни вақтда банк шуни маълум қиладики,
 «Ўзмиллийбанк» пластик карточкалари бошқа турлари бўйича воситачилик
 мукофотлари тарифлари ўзгартирилган.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг
 сақланиши ва даромадлилигига кафолатдир.



Ўзбекистон
 Республикаси Ташқи
 иқтисодий фаолият
 миллий банкининг
 исталган бўлим ёки
 филиалига мурожаат
 қилиб, сўм пластик
 карточкасининг эгаси
 бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун
 телефонлар: (+99871)
 137-62-80, 34-31-53.

Гаровга тикилган

«Тоға», «божа», «жиян»...

Ўхуд пойтахтимиздан ўз жинояткорона ҳаракатларининг таъинч манзил сифатида фойдаланишни кўзлаган халқаро наркотики бизнеснинг барбод бўлган навбатдаги уриниши ҳақида

... Самарқандда давра қизигандан-қизирди. Аллақандай шўх куйга ярим-яланғоч рақс тушаётган ёшгина қиз Эшпўлатлар ўтирган жойдан нари жилмас, Эшпўлат раққосанинг ҳар бир ишваси учун «кўки»дан қистириб, қистиргани сайин раққосанинг жазаваси тутарди. Эшпўлат ёнида ўтирган тоғасига юзланди:

- Менга сиздай тоғани ато этган худога шукур қиламан, тоға!
- Сендай чаққон жияним борлигига шукур, жиян!
- Тоға-жиян сармаст, бир-бирини алқаган кўйи кўчага чиқибди.
- Тоға, яна битта зўр «клиент» бор. Катта партия оладиганидан.
- Қаерда?
- Тошкентга-да, тоға.
- Қанча оларкан?
- Катта партия дедим-ку!
- Ундай бўлса, 6 кило бор

дегин.

- Уялиб қолмаймизми, тоға?
- Божа омон бўлса, уялмайсан, жиян...

Август ойининг бошлари. Тоғажиян бўлажак «операция»ни пухта гаплашиб олиб, савдо-сотик учун харидорнинг олдига — Тошкентга боришга қарор қилдилар. Тошкентга Эшпўлатнинг бир ўзи йўл олди. Пойтахтга келгач, у харидор — Андрей исмли таниши билан учрашиб, 6 килограмм «героин» борлигини уни Самарқанд шахрига қайтиб, ўша ердан олиб беришини маълум қилди. Шу куннинг ўзидаёқ харидор билан бирга тоғасининг уйига қайтиб келди.

Эшпўлатнинг тоғаси — Самарқанднинг Сўғдиёна даҳасида яшовчи Нодир меҳмонларни илиқ кутиб олгач, Андрейни уйда қолдириб, жияни билан бирга Ургут

туманига — божасининг уйига йўл олди. Собир божасини кучоқ очиб қаршилади. Салом-алиқдан сўнг Нодир мақсадга ўтиб кўя қолди:

- Божа, «героин»дан 5-6 кило керак, «покупател» нақд, уйимда кутиб ўтирибди.
- Топишим биланоқ уйингизга элтиб бераман, божа, қуруғи нақд бўлса, бўлди...
- Калаванинг учи тобора чигаллашар, ўзаро жиний тил бириктираётган гиёҳфурушлар сони ортиб борарди. Айни пайтда улар томонидан содир этилаётган жиноят кўлами ва ҳудуди ҳам тобора кенгайар, «тоға», «божа», «жиян» ва бошқалар онгли равишда «заҳри қотил» тузоғига илинишган, ортга энди йўл йўқ эди. Юмшоқ қилиб айтганда, машғала таёқчасини бир-бирларига етказиб бериш учун югураётган эстафетачи-

ларга ўхшарди улар. Фақат эстафетачилар эларо тинчлик ва соғлиқ машғаласини қанчалар маҳкам тутган бўлсалар, гиёҳфурушлар халқаро беқарорлик, хасталик ва фалажлик туғини шармандали бўйинтуруқ қилиб олгандилар.

Гиёҳвандлик моддаларини кўп миқдорда сотиш ва бунинг натижасида мўмай даромад, бойлик орттириш дардига мубтало бўлган Собир ҳам бир сония бўлса-да, оқибатини ўйламай, аввалига Асқал ва Комил, сўнгра «ишни юз фоиз пухта қилиш учун» Самад исмли наркотикилар билан боғланиб, уларга бор «дарди»ни дастурхон қилди. Қўшни Тожикистон ҳудудидан катта миқдордаги «героин» гиёҳвандлик моддасини контрабанда йўли билан божхона чегарасидан Ўзбекистон ҳудудига яширин равишда олиб ўтган наркотикилар жорий йилнинг 13 август кuni эрталаб, яъни «заказ» қабул қилинган куннинг эртасигаёқ Собирнинг уйида ҳозир нозир бўлдилар. У ердан Собир ва Самад Самарқанд шахрига — Нодирнинг хонадонига боришди.

Эски танишлар, қадрдон «жигар»лар бир куннинг ўзидаёқ ўзгарди-қўйди. Бир-бирига ҳурмат у ёқда турсин, ҳатто дўст дўстини, божа божасини, тоға жиянини танимай қолди. Бир-бирига бўлган ишонч сароб мисоли ғойиб бўлганлиги.

- Божа-пожани кўйинг, божа! — деди Собир ҳаҳд билан.
- Мана, сиз сўраган героин. Бу ерда 4 килодан ортиқ. Ўн тўрт минг «кўки»ни беринг, биз кетамиз!

- Тошкентга бориб, ўша ерда сотишни келишимиз, — деди Нодир божасининг ваҳожатидан ранги ўчиб.
- Андрей бориб пул опкелади...

- Қанақа Андрей? — деди Собирнинг кўзига қон тўлиб.
- Уй ҳужжатларини ва бор пулингизни Самадга гаровга берасиз. Сиз ва Андрей биз билан қолади. Жиянни эса Тошкентга жўнатамиз, тушунарлими, божа!?

Нодир ўз болалари яшаётган уйнинг бутун ҳужжатларини ва 40800 сўм пулни Самаднинг кўлига тутқазаркан, икки кўзини Эшпўлатдан узмасди:

— Охири ўзингни ҳам, мени ҳам балога гирифтор қилдинг-да, жиян...

Эшпўлат гиёҳвандлик воситасини Тошкент шаҳар Чилонзор туманининг Сугали ота кўчасида жойлашган АЁҚШ ёнида сотмоқчи бўлган вақтида Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан ушланди. Унинг қўлидаги полиэтилен пакет ичидан оқ порошокли модда топилиб, ашёвий далил сифатида олинди. Мазкур модда текшириб кўрилганда, жами вазни 2.222.74 грамм бўлган «героин» эканлиги аниқланди.

Шу кун тахминан соат ўн саккизларда эса Самарқанд вилояти ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари билан биргаликда кўрилган тезкор талбир натижасида Самарқанд шахрида Андрейни гаровга ушлаб турган вақтларидан Собир, Самад ҳамда Нодирлар қўлга олинди. Хонадондан наркотикилар томонидан сотиш учун мўлжалланган целофан ўрамдаги оқ порошокли модда ва Нодир томонидан гаров сифатида берилган 40.800 сўм миқдордаги пул ва уй ҳужжатлари топилиб, ашёвий далил сифатида олинди. Улар текшириб кўрилганда, жами вазни 1.930.5 граммга тенг «героин» моддаси эканлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, фуқароларни гаров сифатида тутқунликда сақлаш, бошқа давлатлардан Ўзбекистон ҳудудига катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини қонунга хилоф равишда олиб ўтиш ва сотиш билан шуғулланиб келган навбатдаги наркотикилар фош этилиди ва уларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Шуҳрат ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази ходими.

• Криминал

Етиб олсанг сеники...

Ҳа, баъзан шундай фикрдаги, билса ҳазил, билмаса чин қабилда иш тутиб, бировнинг автомашинасини ҳайдаб қочувчи кимсалар ҳам учраб туради. Яқинда Тошкент вилоятининг Янгийўл шахрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1954 йилда туғилган Инон Алиевнинг кўзига АЁҚШга кирган «ВАЗ-2106» русумли автомашина яхши кўриниб кетди. Ва ҳеч иккинчи уни ҳайдаб қочди. Нима қиларини билмай қолган машина эгаси Фарид вақтни ўтказмасдан ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Зудлик билан кўрилган талбирлар натижасида «ҳаваскор» ушланди.

Тўрақўрғонга обориб кўясизми?

Номаълум шахс тунги соат 23 лар атрофида хусусий талбиркор Абдуллаев бошқарувидаги «Дамас» автомашинасини Давлатобод тумани ҳудудида тўхтатиб, Тўрақўрғон туманига олиб бориб кўйишни сўрайди. Йўловчи манзилга етгач, ҳайдовчини куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, автомашинани олиб қочади. Олиб борилган тезкор талбирлар натижасида шу туманда яшовчи Исмоловнинг жиний ҳаракати фош этилди.

Босқинчи


Одамнинг олмаси ичида бўлади деб бежиз айтишмайди. Қолаверса, «ола қалб» соҳибларининг қилмишлари кимларнидир қақшатишдан иборат экани ҳам маълум. Яқинда соат 16 дан беш дақиқа ўтганда номаълум шахс пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшовчи Лиля Гавриловани уйига аллаш йўли билан кирди. Хонада бўлган унинг қизи — 11-синф ўқувчиси В.Гавриловани пичоқ билан қўрқитиб, пул талаб қилаётганида уй эгаси шовқин кўтаради. Бундан қўрқиб кетган «мезбон» қочиб кетади. Кўрилган шовқинчоралар туфайли жиноятни амалга ошироқчи бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1965 йилда туғилган Қаландар аниқланиб ушланди.

Шу туманда яшовчи, Тошкент Давлат молия институтининг талабаси Ноилани куппа-қуидузи муқаддам судланган С.Умиров пичоқ билан қўрқитиб уч хил сариқ металлдан ясалган тақинчоқларини ечиб олиб кетган эди. Собирнинг нияти амалга ошмай қолди. У яна суд олдида жавоб берадиган бўлди.


«Семурғ» топилди

Олмалик тоғ-металлургия комбинати ишчиси Артём Кравченконинг уйига тушлик вақтида номаълум шахс кириб, уни «монтировка» билан қўрқитади. Ундан 2 дона чарм куртка ва «Семурғ» телевизорини олиб чиқиб кетади. Милициянинг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноят аниқланди. Уни ҳеч қаерда ишламайдиган, 1965 йилда туғилган Павел Владимиров содир этган экан.

Шерали АНВАРОВ,
ИИБ Матбуот маркази
инспектори,
Эркин МАВЛОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Халқимиз тарихи беқиёс даражада бой ва ранго-ранг. У бугун фахру ифтихор туйғуларимизни беҳад даражада ошириб турибди. Шу билан бирга, унинг ўқилмаган, илмий ва бадиий тадқиқ қилинмаган саҳифалари қанчадан қанча. Хусусан, юксак салоҳият ва иқтидор эгалари бўлган болалар ҳақидаги асарлар кам. Шу нуқтаи назардан машҳур давлат арбоби, шоир ва бастакор Муҳаммад Раҳимхон — Ферузнинг набираси Темурғози тўра ҳаёти эътиборга арзигulik. Кичкина тўра катта ҳарбий унвонга мушарраф бўлган эса-да, жангу жадалларда зафарлар қозонишга улгурмаган. Ун уч ёшида оламдан ўтган. Ёзувчи Сотим Аваз «Темурғози тўра» номли қисса ёзди. Унда жасур ва зукко Темурғозининг орзу-умидлари ҳамда асримиз бошида Хива хонлигидаги ҳаётнинг маълум қирралари ўз аксини топган. Қиссанинг бир бобини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Сотим АВАЗ

Темурғози тўра

(Қиссадан парча)

Исломуҳжа ўзининг Нуруллабойдаги хонаи хобида ёлғиз ўтириб, Хиванинг тақдири, кундан-кунга хушёр тортиб, зийраклашиб бораётган набираси ҳақида хаёл суради. Аслида бир одамга кўп нарса керак эмас, ўйларди у. Шинамгина хона, кичик бир дастурхон ва мумтоз газаллар битилган куллиётлар бўлса, бас. Хотиржамлик, осойишталик учун шулар етарли.

Каттақон бир давлатнинг энг олий мартаба поясида бўлган вазири акбар ҳар қандай ҳолатда ҳам осойишта ва хотиржам бўла олмасди. У, ёлғизликда худога тақлид бор, Оллоҳ таолога минг тақлид қилиб ҳам, бир бора тенглашиб бўлмайди, деб ҳисобларди ва шундай ўйларди: «Шаккок банда қайсидир иши билан, барибир, ном қолдириши мумкин. Аммо ҳаргиз ҳукмдорга тақлид қилмаслик керак. Чунки тақлид қилмасдан ҳам кўп ишни ундан яхшироқ қилса бўлади».

Исломуҳжа ўзининг куёви, хон кўтарилишига анча-мунча хизматлари сингган Исфандиёрга тақлид қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. У фақат ўзининг ташаббуслари, талбиркорликлари хонликка кўпроқ наф келтириши мумкинлигини ҳис этарди. Шу сабабли у Аркада анжуманларда, йиғинларда хоннинг ўзи каби тикроқ гапирарди. Хон йўқ

ерда эса, унинг номидан амр этарди.

Аммо кўпгина ғаламислар, девонбеги ва бошқа тўралар унинг ҳаракатларини хонга тақлид, ҳукмдор бўлиш истагининг бевосита кўриниши, деб тушунардилар, ё бўлмаса, шундай тушунишни исташарди. Ҳар ҳолда, хоннинг қулоғига шу тахлитдаги гап-сўзлар тез етиб борарди.

Бугун унинг фикру ўйи ўздан кўпроқ Темурғозида. Исфандиёр, шубҳасиз, унинг жангари ва ҳукмдорига хос равишда ҳўк' бўлишни истади. Боланинг қўлига қилич ушлатмаган куни йўқ. Исломуҳжа кечаги воқеани хаёлидан бир дам ўтказди.

Исфандиёр вазири акбар билан давлат ишлари ҳақида суҳбатлашиб ўтирган пайтда Темурғозининг топилиб қолганини суянчиллашди. Хон тўнани тескари кийиб олди. Бу ахир ўғлининг биринчи бебошлиги эмас. Давлат ишлари орқага сурилди. У Темурғозини саройга келтиришни буюрди.

Девонбеги кичкина тўрани қўлидан ушлаб олиб келди. Жаҳл отига миниб олган амрбардорга юзланди:

— Олий ҳазрат, мен қулингизга шафқат қилинг — тўрамни авф этинг. Танида буюк бобосининг қони жўш урган кўринади. Ўзини танитмай қалъа фуқаролари ҳолидан хабар олмоқчи бўлган. Авваллари ҳам шаҳзодалар шундай қилиб туришган.

Хон юзини ўгириб, ўелига қаради. Лекин унинг кўзларида тавба-тазарру ёки хижолат аломатларини сезмади. Яна ғазабланди:

— Тўрам, сиз энди ёш эмас-сиз. Сизнинг ёшингизда давлатни идора этганлар кўп. Сиз эса

ўйнаб юрибсиз.

— Авф этинг, ҳазрат. Мудом кўриқлаб юришлари менга оғир ботади. Ахир сиздай улуғ зотнинг ўғли бўлсам-у, эркин юролмасам.

Исфандиёрхон унинг гапини бўлди:

— Тўрам, шуни билиб қўйингки, биз ҳеч қачон эркин бўла олмаймиз. Ҳар кун бизни минг-минглаган кўзлар ўзига боғлаб туради. Уларнинг ичида, бажонидил чопиб ташлар эдим, дегувчилар ҳам оз эмас. Шу сабабли ҳаммадан ҳам кўпроқ соқчига биз муҳтожмиз. Ҳали ўсиб-улғайиб ҳаммасини ўзингиз тушуниб етасиз.

Сўнгги гаплар Исломуҳжага қаттиқ ботди. Хон ўзи нима демоқчи? Ҳозирги замонда ҳеч кимга ишониб бўлмайди, деган гапини пардалаб айтаётгани йўқми ўзи? Кичкина тўра ҳам бўш келмади:

— Ҳазрат ота, ундай бўлса хон ёки тўра бўлишдан мурод надир?

Исфандиёрхон ўзини тутиб туролмади, хоҳолаб кулиб юборди:

— Бир кун хон бўлишга одамлар бутун умрини тикишади. Эркин бўлмасангиз ҳам, мисли кўрилмаган даражада тўкин бўласиз. Ўзингизнинг бўлмаси-да, ўзгаларнинг эрки сизнинг қўлингизда қафасга солинган қушлардай чирқирайди. Хоҳласангиз, уларни қўйиб юборинг, хоҳласангиз, бир умр қафасда сақланг.

Хон ўғлининг жавобини

эшитишни ҳам истамади. Тезда жиддий тус олиб, гапни бошқа ёққа буриб юборди:

— Бу на чўғирма? Қолипи темирдан ясалганми? Бунча бесўнақай? Олинг бошингиздан, сизга Оврўпача бош кийим ярашади.

Хон қарс уриб мулозимни чақирди. Мулозим икки таъзим қилганча кириб келди.

— Сандиқчи попоқни келтурсин.

Оқпошша совғалари ичида келган. Темурғозига аталган кубан, попоғини тезда олиб келишди.

Исфандиёр попоқни кийгизишга чоғланган пайтида Темурғози чўғирмани қўлига олиб турди.

— Мана бу бошқа гап, энди ҳақиқий саркарда йигитга менгзадинг. Чўғирмани эса йўқотинг.

Темурғози куллуқ қилиб саройдан чиқиб кетди.

Исфандиёр Исломуҳжага бир тарафдан яқин қариндошлигини таъкидлаб, андак эркинлик бергандек, шу билан бирга, бироз таъна қилгандек бўлди:

— Набирангиз ҳарб илмидан кўра илми адабни афзал билади. Аммо бўлғуси ҳукмдор биринчи навбатда довюррак саркарда бўлмоғи лозим. Кейин ҳар вақт-ҳар вақт бошқа нарсаларга кўнгил берса ҳам жондир.

— Худо хоҳласа, ўғлингизда барча илмлар уйғун, комиллик устувор бўлур, — деди Исломуҳжа гап нишабини тўғрилади.

Кейин хон Русияга сафар қилиш, оқ пошшонинг эътиборини қаратиш хусусида илмоқли қилиб сўз бошлади. Исломуҳжа бир неча муддат илгари хонга арқонни узун ташлаб берган маслаҳати ўздан дарак бераётганлигини фаҳмлади.

— Қутлуғ сафар ишини кечиктирмаслик жоиз. Ҳаммамизнинг умримиз ўлчовли. Бас, шундай экан, дунё



кўриш дийдани тўйинтиради. Юрган — дарё, деб бежиз айтишмаган.

Исломуҳжа бу гапни шунчаки айтган бўлса-да, хоннинг асосий мақсади ўз мавқеини мустаҳкамлаш эканлигини яхши биларди. Аммо бунини очикдан-очик айтиш ёки шунга ишора қилиш хоннинг кўнгли тубида мудраб ётган илонни уйғотиш билан баробар. Вазири акбарнинг бир нияти, у ҳам бўлса, кичкина тўрани Русия сафарига олиб кетиш. Отаси қирқдан ошиб кўрган дунёни боласи ўн иккида кўрса, не ажаб.

У шу ниятнинг учини чиқариб қўйди:

— Русия сафари фақат ўзимиз учун эмас, авлодларимиз учун ҳам катта наф берган бўлур эди.

Исломуҳжа хон албатта бу гапнинг тагига етади, деб ўйлайди. Фақат девонбеги билан маслаҳатлашмаса бўлгани.

У хонаи хобида кўп ўтира олмади. Хаёлига қуюлиб келётган фикру ўйлар бугун негадир сира тинчлик бермасди. Шу сабабли у узлатдан воз кечди.

Исфандиёрхон ўйлаб-ўйлаб, Темурғозини Русияга олиб кетишни маълум топмади.

1 хўк — қўпол ва андишасиз

Сиз билан ҳамфикрмиз

«Халқ сўзи» газетасининг шу йилиги 28 сентябр сонини қизиқиш билан қўлга олдим. Сабаби унинг одатдаги шакли-шамойили ўзгарди. Одатга кўра (мен ҳам матбаачиман-да) ҳар бир саҳифасини синчиклаб кўздан кечирдим: «Нима янгилик қилишибди?». Шуни тезроқ билгим келарди. Назаримда, янгилик кўп. «Халқ сўзи»дагилар изланишяпти» деган фикр ўтди хаёлимдан. Ростданам шундай. Тақлиф шуки, 16 та кичик саҳифанинг ҳар бири ўзига хос бўлса, ҳар бирининг доимий ўқувчиси бўлса. Газетхон шунда ўргангани ва унинг ҳар бир сонини интиқ бўлиб кутади. Ташаббус бошланибди. Буни табрик-

лаш керак. Фақат сўнмасин. Қанот ёзсин. Шундай бўлса, «Халқ сўзи» Ўзбекистондаги ёшу қарининг сеvimли газетасига айланади. Бунга шубҳа йўқ. Бу жуда оғир ва машаққатли иш. Лекин бу таҳририятдаги журналистларнинг қўлидан келади, деб ишонаман. Чунки газетодаги сўнгги пайтдаги ўзгаришлар шундай деб айтишга асос беради. Фақат бир нарса. Ким нимани қанчалик чиройли, нечоғли образли тарзда ёзмасин, агар у халқнинг тили учиди, кўнглининг тубидаги гап бўлмаса, фойдаси йўқ. Ўқувчига



бориб етмайди. Демак, оддий ва мантиқли, ишонарли таҳлилий мақола, у қанчалик аччиқ бўлмасин, жуда керак. Айниқса, ҳозирги даврда. Тўғри, тирноқ тагидан кир ахтарадиганлар топилади. Бундайлар бўлган, бўлади, уларга парво қилмаслик, изланишни давом эттириш керак. Шунинг унутмаслик керакки, бирданига мақсадга эришиш қийин. Муваффақиятсизликлар бўлиши табиий. Бундан чўчимаслик даркор. Ахир чумчуқдан қўрққан тарих экмайди, дейишади-ку.

Муносабат

Халқимизда «Кўрмаса, кўнгил ўзгармайди», деган гап бор. Бунда ҳикмат кўп. Газетангизни кўрдик. Кўнгилда кўп ўзгаришлар бўлди. Бўлади. Бўлаверади. Бу асосан сизларга боғлиқ. Биз ҳам ўқувчиларингиз сифатида қараб турмасмиз. Ҳеч бўлмаса, фикримизни айтармиз. Биз сиз билан ҳамфикрмиз.

Баҳром САТТОРОВ,
Қашқадарё вилоят
босмаҳонаси
директори.

• Акс садо

«Талабалар учун махсус форма керак!»

